



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG'OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021 -yil 27 - Mart

563 u -son

Bog'ot shaharchasi

**Фуқаро Бобожонов Оллошукур Исмоиловични вояга етмаган невараси 2012 йил 4 октябрда туғилган Бобожонов Боғибек Ортиқбой ўғлига нисбатан васий этиб тайинлаш тўғрисида.**

Ўзбекистон Республикаси “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунининг 10, 42-моддалари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги низомнинг 9, 63, 66 ва 67-бандларига мувофиқ

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Васийлик ва ҳомийлик” комиссиясининг 2021 йил 16 мартдаги хулосаси инобатга олинсин.

2. Боғот тумани “Обод” маҳалласида яшовчи фуқаро 1960 йил 5 июнда туғилган Бобожонов Оллошукур Исмоиловични вояга етмаган невараси 2012 йил 4 октябрда туғилган Бобожонов Боғибек Ортиқбой ўғлига нисбатан васий этиб тайинлансин.

3. Туман халқ таълими бўлими мудири Т.Мирзаевга:

- Мазкур қарорни бир кун муддатда аризагўйга (тайинланган васийга) юбориш таъминлансин.

- Васий ва ҳомий ҳуқуқларининг амалга оширилишини ҳамда мажбуриятларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатсин.

- Васийликка олинаётган шахс ҳақидаги тўлиқ маълумотлар белгиланган муддатда давлат реестрига киритиш учун туман ҳокимлигига тақдим этилсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Р.Шарипов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Яхшибаев